# МИЛЛИЙ ХАРАКТЕР ВА ШАХС БАРКАМОЛЛИГИ

Боши биринчи бетда

навий ва қадимий тушунчалардан. Лекин шундай бўлса ҳам бу тушунча ўзининг тугал ечимини топган деб айтиш қийин. Гап шундаки, бу тузилма энг ўзгарувчан ва беқарордир. Масалан, бир кимсани биз ишда ишчан, ҳалол талабчан, меҳнатсевар сифатида биламиз. Лекин уни оилада бошқачароқ, дўстлари даврасида яна бир бошқача ва ҳоказо тарзда кўришимиз мумкин. Яъни, инсон характерига алоқадор сифатлар ҳар бир алоҳида муҳитда, инсон тараққиётининг ҳар бир ёш даврида ўзгариб туради. Ҳамма гувоҳи бўлиб турган охирги йилларни мисол қилиб оладиган бўлсак, XXI аср бўсағасидаги буюк ўзгаришлар муҳитида одамларнинг кун сайин ўзгариб бораётганликларининг гувоҳи бўламиз. Шуни алоҳида таъкидлашни хоҳлардикки, алоҳида шахс характерологик сифатлари билан у мансуб бўлган яхлит миллат ёки халқ характерологик сифатларининг ўзига хос намоён бўлиши хусусиятлари мавжуд. Яъни, миллатнинг характери уни ташкил этувчи шахслар характерининг механик уйғунлашуви ёки йиғиндиси эмас. Миллат ва халқ руҳи шундай психологик тузилмаки, у бевосита ташқи муҳит, жамият тараққиёти тенденцияларига боғлиқ ҳолда ривожланиб, ўзгариб боради.

Миллий характерни ўрганишнинг мезонлари ёки тамойиллари тўғрисида гап кетадиган бўлса, асосий фикр шуки, унинг устувор сифатлари жамиятнинг давр тақозоси билан содир бўлаётган муҳим воқеалар, ҳодисалар, жараёнлар, фаолият турлари ва ўзлигига муносабатига боғлиқ тарзда шаклланади. Масалан, мустақилликка муносабатни олайлик. Халқ бу буюк неъматни бирдан, бутун қадру-қимmати билан баҳолай олмаган бўлса ҳам, қисқа ўтган фурсатда мустақилликнинг яратган имкониятларидан манфаатдорлик руҳи шаклланиб бордики, унинг оқибатида омма дадилроқ, эркинроқ, мустақилроқ, тадбиркорроқ, самимийроқ, шу билан бирга ўз манфаатдорлигини устун қўядиган, зиддиятли ҳолатлардан чўчимайдиган бўлиб бормоқда. Мен бир кузатувчи, холис таҳлилчи сифатида миллат характерини ўзида мужассам этувчиларни уч гуруҳга бўлган бўлардим:

1. Консерватив психологияни ўзида мужассам этувчилар. Улар турли анъана ва удумларга тўла эргашувчилар, консерватив фикрлайдиган, турли фикр ва қарашларга нисбатан эҳтиёткор, ўз маҳалласи ва яқин муҳитига жуда тез мослашадиганлар. Чунки улар «кўпчилик ҳақ» деган фалсафани олдиндан эгаллаганлар.

2. Тадбиркор типлар — улар ўзи ва ўз мақсад — эҳтиёжларига йўналган, замона зайлини тез англайдиган, тадбиркор, ўзини ва ўзидаги сифат ҳамда фазилатларни ўзгаларга позитив нуқтаи назардан намоён эта оладиган, ўз олдига узоқни кўзлаган мақсадлар қўя оладиган шахслар типи. Уларда иқтисодий тафаккур кучли ривожланган ва ҳар қандай ҳаракатларнинг моддий ва маънавий қийматини тушунади.

3. Технологик типлар — улар янгича технологик ўзгаришларга ўч, жамиятнинг тараққиёти пулсини ушлаб турадиган, кўпроқ унинг талабларига мослашган, доимо янгиликка интилган, лекин бу ишларни бюрократик услублар воситасида амалга оширадиган типлар. Уларни бизда «янги ўзбеклар» деб ҳам аташади. Улар барча ишнинг ютуғи технологияга, янгича ишлашга, маблағга, корпоратив ҳамкорликка боғлиқ эканлигини англайдилар. Ҳар бир ажратилган типларда ҳам ижобий, ҳам салбий сифатлар мавжуд. Масалан, биргина мулкка муносабатни оладиган бўлсак, биринчи тоифа вакиллари руҳиятида «кичкина одам» психологияси устун бўлгани учун ҳам улар эл қатори ҳаёт кечириш, борига шукур қилиш, бир-бирларига қараб мослашувчанликни намоён қиладилар. Буларни қишлоқларимизда ҳаёт кечираётган кўпчилик ташкил этиб, турмуш ташвишлари ҳақида қайғуришни ҳам улар бошқаларга — лидерларга ишониб топширадилар. Иккинчи тоифалилар эса «кичкина одам» психологиясидан жуда тез озод бўлганлар бўлиб, улар ўзидаги мулкни (маблағлар, моддий бойликлар) шахсий манфаатига бевосита хизмат қилдира олади, мулкка эгалик ҳисси уларга тўғри меҳнатни ташкил қилиш, ўз вақтида дам олиш ва ташкилотчилик ва лидерлик сифатларини тўла кўрсатишга интилишни келтириб чиқаради. Охиргилар эса янгиликлар замонида ўз мулкининг эртанги истиқболини ҳам ўйлайди, янги технологияларни дадил сотиб олади, ҳар қандай маълумотни мулкининг равнақи ва уни кўпайтиришга қаратади. Улар ўзи миниб юрган машинани ҳам сотишга тайёр, чунки унда эртанги истиқболни кафолатлаган маълумот бор, кўпчиликка ўхшаб, лекин жамият нормаларидан оғишмаган ҳолда бугунги пулини эртанги кунга хизмат қилдиради.

Булар табиий, миллат руҳиятида янги қирраларни шакллантириб, унинг янги даврга мослашувчанлигини таъминламоқда. Яна бир муҳим қирра — маълумот ва билимлиликка муносабат ҳам тахминан юқоридаги каби ҳар бир тоифа вакилида ўзига хос қадру — қимматга эга. Демак, шулардан келиб чиқиб, миллий характернинг намоён бўлишини таъминловчи сифатлар гуруҳи ҳақида ҳам гапириш мумкин бўлади. Ўзбекистоннинг кўп миллатли давлат эканлиги ва жаҳонга юз тутгани, халқаро интеграцион жараёнларда фаол иштирок этаётганлигини эътироф этган ҳолда ўзбекистонликларнинг ижтимоий характери тўғрисида алоҳида тўхтаб ўтишни жоиз деб топдим. Бу характер тизими ўзига хос кўпқиррали бўлишига қарамай, унинг таркибида бир неча гуруҳ сифатлар мавжуд: ижтимоий характернинг анъанавий сифатлари — яъни, асрлар мобайнида шу тупроқ ва элнинг вакили сифатида намоён бўладиган, анъаналар, миллий расм-русмлар, яшаш тарзи ва бошқалар туфайли авлоддан-авлодга ўтиб келаётган сифатлар мажмуи (улар орасида ҳам ижобий-кучли ҳамда салбий — кучсиз сифатлар бор): самимият, соддалик, камтарлик, меҳмондўстлик, очиққўнгиллилик, ишонувчанлик, ширинсуханлик, таъсирчанлик, оилапарварлик, илм — зиёни қадрлаш ва ҳоказо.



Бошқа гуруҳ сифатлар умуминсоний универсал сифатлар бўлиб, улар миллатлараро корпорация ва мулоқотнинг меваларидир: янгиликка чанқоқлик, модага эргашиш, хусусий мулкчилик психологияси, технологик тадбиркорлик, лидерликка интилиш, агрессивлилик, хавотирлилик, гапга чечанлик ва ўз нутқий маҳорати устида ишлашга мойиллик, бюрократизм, расмиятчилик, ҳар қандай обрўли одам фикрига эргашиш, мулоқотда куч ва ҳукмронликни тан олиш ва ҳоказо.

Учинчи тоифа сифатлар янги сифатлар бўлиб, улар бевосита мустақиллик йилларида анъанавий сифатлар билан янги прогрессив ва замонавий сифатларнинг ўзига хос уйғунлашуви натижасидир. Буларга мулкчилик психологияси, интеллектнинг юқори даражада эъзозланиши, авторитаризм, обрў қозонишга интилиш, эго — билимдонлик, яъни ўзини билиш, коммуникатив билимдонлик. Янги ижтимоий характерда ижтимоий билимдонлик ва ижтимоий интеллектга жуда катта эътибор берилиши ҳам миллатимиз психологиясида мустақиллик шарофати билан пайдо бўлган сифатлардан, аниқроғи фазилатлардандир. Ижтимоий билимдонлик ижтимоий характердаги шундай сифатки, у гуруҳ аъзоларини (миллатни) ўзгарувчан шароитларга мослайди, таркибига ўзининг ва ўзгаларнинг психологиясини билиш соҳасидаги билимдонлик, ўзгаларга сўз воситасида ва конкрет ҳаракатлар билан таъсир кўрсатиш маҳоратини олади. Демак, ижтимоий билимдонлик ижтимоий борлиқ ва ўзи ҳақидаги билимлар мажмуи бўлиб, мураккаб малакалар ва кўникмалар асосида ўзгарувчан вазиятларга мослашувни ва одамлар билан тўғри, маъқул ўзаро таъсир жараёнларида иштирокни таъминлайди.

Ижтимоий интеллект эса жамият аъзоларининг интеллектуал қобилиятлари ва имкониятларидан келиб чиқиб, уларнинг билим ва зарур малакаларини орттиришга бўлган эҳтиёжини қондиришга имкон беради. У одамларни тўғри қарорлар чиқариш, маълумотларни тўғри таҳлил қилиш, ижтимоий вазиятларни олдиндан башорат қилиш ва шахс билан жамиятнинг ўзаро мувофиқлигини таъминлашга ёрдам беради. Бурилишлар ва туб ислоҳотлар даврида унинг аҳамияти ошади ва шахсни тўғри маъқул ҳаракатларни амалга оширишга ҳозирлайди. Ижтимоий интеллектнинг ўсиши айнан мустақиллик йилларига тўғри келиши ҳам бежиз эмас. Чунки айнан мустақиллик жамият аъзоларига ўзлигини англаш, ўзи ва яқинлари истиқболига қайғуриш, ақлий салоҳияти билан келажагини яхшилаш имкониятини туғдирди. Мустақил Ўзбекистонда таълимнинг қадрланиши, йил сайин маълумот олиш , малакали касб эгалари бўлишга интилишнинг жамият миқёсида кузатилаётганлиги ҳам бежиз эмас, албатта.

Ўзбекистонда яшаб, ҳалол меҳнат қилаётган юртдошларимизнинг мустақиллик йилларида шаклланаётган фазилатлари ҳақида ёзар экан, давлатмиз раҳбари И. Каримов ўзининг «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида...» асарида ижтимоий характердаги янги қирралар пайдо бўлаётганлигига сабаб бўлган ислоҳотлар аҳамиятини алоҳида таъкидлайди: «... Кенг миқёсдаги халқаро алоқалар ... ўзбек халқининг турли фаолият соҳаларидаги истеъдодини ривожланишига, унинг тадбиркорлик ва киришимлилик, бир неча чет тилларини тез ўрганиб олиш каби ноёб фазилатлари тўла-тўкис рўёбга чиқишига имкон берди. Ана шу алоқалар туфайли миллий меҳмоннавозлик ва саховат анъаналари янада ривожланди». Президентимизнинг бу фикрлари мустақилликнинг халқимиз бахт-саодати учун берган чексиз имкониятларини тасдиқлаган ҳолда унинг миллий характеридги анъанавий ва янги фазилатларнинг такомиллашувига ҳам кенг шароитлар яратганлигига бевосита ишорадир ва биз бу имкониятлардан фахрланамиз. Келажагимиз бўлган ёшларда энг ноёб интеллектуал ва инсонийлик фазилатларни тарбиялаш эса ҳар бир зиёлининг бурчидир.

Васила КАРИМОВА
Тошкент давлат иқтисодиёт университети профессори, психология фанлари доктори, ижтимоий психология кафедраси мудираси

## «МТ» ЛУҒАТХОНАСИ

**SHAROF MIRZO
ENGLISH-UZBEK-RUSSIAN PROVERBS AND SAYINGS**

**INGLIZCHA-O'ZBEKCHA-RUSCHA MAQOL VA MATALLAR
АНГЛО-УЗБЕКСКО-РУССКИЕ ПОСЛОВИЦЫ И ПОГОВОРКИ**

**11. A fool at Favzy is a fool indeed.**
**Ahmoqning katta-kichigi bo'lmas.**
**Старого дурака не перемолаживать.**

**12. A fool may throw a stone into a well which a hundred men can't pull out.**
**Bir kalning hiylasi qirq kishini charchatar.**
**Дурак завяжет — и умный не развяжет.**

**13. A friend in need is a friend indeed.**
**Do'st kulfatda sinalur.**
**Друзья познаются в беде.**

**14. A friend's frown is better than a foe's smile.**
**Do'st achitib gapirar, dushman — kuldirib.**
**Недруг поддакивает, а друг спорит.**

**15. A good face is a letter of recommendation.**
**Yaxshi odam yuzidan ma'lum.**
**Лицо-зеркало души.**

**16. A good marksman may miss.**
**Bir bilmaslik bilgan kishidan ham o'tadi.**
**И на доброго коня бывает спотычка.**

**17. A good wife makes a good husband.**
**Erni er qiladigan ham xotin, qaro yer oiladigan ham xotin.**
**У хорошей жены и плохой муж будет молодцом.**

**18. A great ship deep waters.**
**Katta karvonga — katta yo'l.**
**Большому кораблю — большое плавание.**

**19. A honey tongue, a heart of gall.**
**Shakarli tilga ishonma.**
**На языке мёд, а под языком лёд.**

**20. A horse stumbles that has four legs.**
**Yaxshi ot ham qoqiladi.**
**Конь о четырёх ногах, да и тот спотыкается.**

# МИЛЛАТ ҲАМ БУТУНДИР, ВАТАН ҲАМ БУТУН

Боши ўтган сонда

Мен шу ҳарорат, шу кўринишлар билан узоқ, жуда-жуда узоқ қолгим келади. Аммо яна тарих...

Соҳибқирон бобомизнинг «Миллатнинг дардига дармон бўлинглар!», «Заифаларни қўрингиз!» васиятлари совумасдан темурийзодалар ўртасида бошланиб кетган тожу тахт талашишлари, падаркушлик, модаркушлик, оғу бериб ҳаёт шамларини сўндиришлар, фитна, хиёнат — эсласам уятдан ерга кириб кетгим келади. Бир таскин ҳазрати Навоий — Хондамирлари билан. Бир таскиним Бобурмирзо... «Бобуржон» деб қўлини кўксига қўйиб, қора кўзлари тўла меҳр-муҳаббат билан инисига йўл очиб турган Хонзода бегимлари билан... Ва мен билган, билмаган қанча улуғлар... Халқимни асрдан асрга суяб, елкасида кўтариб омон олиб ўтган яқинларим, яхшиликларим! Мен улар олдида нақадар катта қарздорман, нақадар бурчлиман!

Улар ўтрусида бошим ерга теккунча таъзим қилар эканман, улуғ Темурга вафо қилмаганиданми, васиятига садоқат кўрсатмаганиданми, Ватан озодлигигача йилдан-йилга, кундан-кунга тақдирига кўпдан кўп қораликлар битилган миллатимнинг қайғуларидан қайғуланаман. Машрабнинг «Ўртар»ларига қўшилиб ўртанаман. Увайсийнинг «Кўксидаги дор»ларига ботиб қоламан... Нодирабегим билан адашаман, Фурқат ила бир овоз билан сайёдга ёлвораман, Муқимийга, Гулханий, Мунис, Огаҳий, Номоз Ботир, Абдулла Қодирий, Чўлпон — менга энди бу яхшиларим яшаган саналарнинг қайси бири олдин қайси бири кейин яшаганининг ҳам, бирининг ёзувчи, бирининг халқ ҳимоячиси эканлигининг ҳам аҳамияти қолмайди. Улар менга миллат бўлиб туюлди холос. Ва Миллат деган бутунликка, миллат деган осмонда чақмоқдек чақиб дарз кетгизиб турган ноҳақлик, худбинлик, манфаатпарастлик, ҳасад кийимидаги қавмимни ҳам бир лаҳзага бўлса-да, эсдан чиқара олмайман. Улар — босқинчиларга Тошкент дарвозасини очган нонкўрлар, бир-бирининг бошини еган қўрбоши, ўнбошилар, Қўқон Мухториятини қонга ботиришга панапастқамда кўмаклашган олчоқлар, ўттиз, олтмиш, сўнг саксонинчи йилларда миллатимизни қатоғон этганларида мустабидларга гоҳ кўз, гоҳ қўл, гоҳ қилич, гоҳ тўппонча вазифасини ўтаган малайлар шаклида ёдимни оғритиб-оғритиб тураверди! Мен бундай кир сўзларни ёзишни мутлақо истамас эдим.

Айниқса бугун...

Айниқса, Озод Ватанда саккиз йил омон-эсон яшаётганлигимиз шукронасига бундай гапларни тилга олмаслигим, «Ўтган ўтди» деб кўз юмишим керак эди. Мен ҳам Жайҳун тарафлардан ўзига хос бир шеърий лаҳжада сас бераётган Гулистон Матёқубованинг

***Бу юртда фикрлар уйғонди,***
***Тафаккур уйғонди, уйғонди юрак.***
***Метин томирларим қўзғолди,***
***Юрт орзуси юксак... нияти юксак.***

каби қувончларига жўр бўлгим келади, ахир!

Ўзбек мўъжизаси дея аталган «Тико», «Дамас», «Нексия»ларнинг қорачиғимда ёлқинланиб турган қанотларига «Ғурурланаман» деб ёзишни истайман! Мен айниқса, бугун ўзбекнинг «кураш», «ҳалол» сўзларини дунё сўзликларига киритишда ҳисса қўшган жаҳон полвонлари рўбарўсида тизи букилмай, майдондан ғолиб чиққан Тоштемир, Камол, Акобир, Эрали иниларимни васф этишни, достон қилишни хоҳлайман!

Англияда инглизлар билан битта аудиторияда ўтириб сабоқ олаётган ўзбекча ошлар билан Антон, Танука исмли ўртоқларини юртимизга (балки ўзига ҳамдир) ошиқ қилиб юрган нукуслик Султонбек укам билан суҳбатларимни ҳаммага билдиргим келади. Шўртангаз, Қоровулбозор билан мақтансам қани. Имом Бухорий ҳазратлари зиёратига бордим ёз бошларида. Қолиб кетгим келди ўша ҳеч қаерга ўхшамас, руҳий бир қалъада. Шу туйғуларимни айтсам...

Аммо 16 феврални унутиб бўладими? Тангри миллатимизни турли табиий офатлар, тошқинлар, ер силкинишлари, вулқон отилишлари, сел, дўл ҳалокатларидан қош-қовоқ орасида асраб турганда, ўнг кўзида кўриб турганда, ўзимизнинг қонимизга шайтон сепган ҳасад деган оғу боис юз берган фитна-ку, ахир бу! Сувайдо бўлди-ку, қуюқ доғ бўлди-ку бу кун юракда. Яна ўша Култегин, Йўллиқ тегин, Билгихон нидолари эсга тушмайдими?

***Адашманглар, айрилманглар,***




***Сабр берсин тошлардай.***
***Мен бағримни тилиб ёздим,***
***Сиёҳ — кўзим ёшлари.***

...Бундан икки-уч йил аввал хизмат юзасидан бир йиғилишга қатнашган эдим. Ўшанда минбарда нутқ сўзлаётган масъул лавозимдаги киши (у янги ишга тайинланган бўлиб, эски раҳбар тарафдорларининг баъзилари ишдан кетаётган экан) шундай деб гапирган эди:

— Марҳамат, кетса, кетишаверсин! Керак бўлса, орқа тарафдан ҳам эшик очиб бераман. Кунимиз уларга қолгани йўқ.

Ўшанда кўнглимдан — Э, оға, сиз шундай десангиз, улар қаерга, кимнинг олдига боради? Ундан кўра юрагингиздаги озгина кибрнинг бошига муштлаб, уларни ука деңг, синглим денг, ўзингизни яхши кўрсатинг, севдиринг. Ахир, Амир Темурдай улкан шахс ҳам миллатнинг бирлиги йўлида қанча-қанча ўзи хоҳламаган одамларга қўл берган-ку! — дегим келган эди. Аммо андишами ё меҳмонлигим, бу жамоанинг ички ишларига аралашишга ўзимни ҳақсиз сезганимми, тилимга тош қўйгаң эдим.

Рутубатли 16 февралда пушаймон бўлдим ўша сукунатимга.

Балки бу киши, бу жамоанинг қўпорувчиликка мутлақо алоқаси йўқдир. Барибир шу кайфият, «бор, қайга борсанг бораавер!» деган кайфиятда миллат учун, Ватан учун хатар йўқ деб ҳеч ким айтолмайди. Кел, дардингни олай! Менга суянгин! Иккимизнинг томиримиз бир, қоннинг ҳурмати бор... каби бағрикенглик ярашади озод миллатга. Бир-бирини асраш ярашади. Керак чоғда ўзи ҳам оғриниб койиш, танбеҳ бериш ярашади. Гуноҳкоримизни ҳам «Шу юрт, шу миллат сеники, ишла, фидойилик қил, жонинг, қонинг билан юв гуноҳингни!» дея юрагини ўртасак, қайси бир томирларидадир тиқилиб ётган ҳамиятини туртиб юборсак деймаn. Булар ҳам асли менинг қора бошимдагина йиғилиб ётган хаёллар эмас... Булар ҳам фаолиятда — ишлаб юрган хаёллар. Президентимиз йўлдан адашган густоҳларни авф этганда қанчалар суюниб йиғлаганман... Улуғлар шу сифатлари билан улуғ-да!

Гапимни Гулистон Матёқубованинг шеърий китобчасидан бошлаган эдим, мутолаа баҳона улуғ байрамимиз арафасида бир тўкилгим келди. Одатда одамлар арафада уйларини, либосларини поклайдилар, мен-да кўнгил уйимни ғамларимдан бир озод қилдим. Энди шу топ-тоза кўнгил билан сиз азизларимни озодлигимизнинг **«8»** деб аталган яна бир нурли бекатига етганимиз билан қутлайман. Ҳамма-ҳаммангизга фарзандлик, сингиллик, опалик, қариндошлик меҳри билан энг яхши тилакларимни шу шеъримга қуйиб йўллаб қоламан. Ўзбекистон мустақиллигининг яна кўп, жуда кўп йилларига бир-биримизни «сиз»лаб, сийлаб, бир тану жон бўлиб, халқ, эл бўлиб етиш насиб этсин!

***Ёниб битган бўлса йўлингдаги чим,***
***Синиб тушган бўлса бошингдан қафас.***
***Суюнчига бериб яхшидан-яхшим,***
***Сени суюнтиргим келар ҳар нафас.***

***Суюнчи бўларли нимам бор менинг,***
***Севги тўла икки кўзим бор фақат.***
***Қуёшим, ҳавомдай, ноним, сувимдай,***
***«Жоним Ватан» деган сўзим бор фақат!***

***Ҳовандор юрагим, самандар ёдим,***
***Қутлибека деган туркона отим,***
***Эркни қалқон этган эркли сайёдим —***
***Бир ўғлим, биргина қизим бор фақат.***

***Сени суюнтиргим келади кунда,***
***Сени суюнтиргим келади жуда.***
***Суюнчига арзир нимам бор ахир,***
***Бир руҳим, бир жоним, ўзим бор фақат.***

***Севиб кувраб турган сўзимдан бўлак,***
***Севиб ўйлаб турган кўзимдан бўлак,***
***Муҳаббат қўллари билан жонингдан***
***Маҳкам қучоқлаб турган ўзимдан бўлак —***
***Сенга арзийдиган нимам бор Ватан?!***
***Сенга арзийдиган нимам бор, жоним?***

**ҚУТЛИБЕКА**

# ОСМОН УЗОҚ, ЕР ҚАТТИҚ

## ДОМЛА ЭЛБЕК ЁҚҚАН ЧИРОҚ

Боши ўтган сонда

Дарвоқе, домла Элбек билан илк учрашувимизга кўчайлик. Ўша оқшомнинг эртасига қўй сўйилади. Ёмғирдай ёғилиб келаётганлар ичида яқин-йироқ мактабларнинг раҳбарлари, муаллимлар билан бирга шоир Рафиқ Мўмин (биз уни Рафиқий деб атар эдик), Холиқий, Маорифий, Одил Шамси сингари атоқли алломалар гуруҳи бор эди. Машҳур ғижжакчи ва бастакор Бойдадахон Олимов (Ўзбекистон халқ артисти Раззоқ Ҳамроевнинг қайнотаси) билан танбур чалишни ҳавасини олган Шариф домланинг ўзи ажойиб куйлар чалишади, «Чаманнор», «Йўл бўлсин», «Омон ёр» қўшиқлари янграйди. Шундан кейин Элбек домла эртанги кунларнинг файз-фароғати, миллий маданиятимизнинг равнақи тўғрисида ваъз қилади. Бунинг учун ҳар бир киши унга тайёр туриши — билимли, маърифатли бўлишлигини уқдиради. Рафиқий эса «Муштумзўрларга» деган шеърини ўқиб беради. Ўртага Элбек домла, Шариф домлани олиб суратга ҳам тушадилар. Тадбир охирида эса анчадан бери менинг дадамни бошдан оёқ кузатиб турган Элбек домла Шариф домлани четроққа чақириб дейди:

— Отахон, Муҳиддинхоннинг кийим-кечаги ҳийла тўкилиб қолибди-ку? — Шу сўзлар уларнинг ёнида ийманиб юрган менинг қулоғимга чалинади. Дарҳақиқат, дадамнинг эгнида ҳаво ранг кавказча кўйнак, уриниб қолган қора камзул, оёғида мўъжазгина маҳси-калиш бўлиб, бир қарашда шарти кетиб, парти қолгандай туйиларди, — эртагаёқ мориф мудири идорасига етаклаб боринг, — давом этади домла Элбек, — гаплашиб кийим-кечагини тўғрилаб берайлик. Қиш яқин. Бу алпозда янги баҳорни қаршилаши ҳам амри маҳол.

Улар кетишади. Орадан бир ярим ойча ўтгандан кейин дадам ўша пайтлар урф бўлган этаклари, енг учларию ёқаларигача жигар ранг чарм қадалган мош ранг пахталик гуппи ва шим, оёғида ўрдак бурун хром этик кийган ҳолда кириб келади уйга. Ҳаммамиз уни таниёлмай анграйиб қоламиз. Таниганимиздан кейин эса қувончдан қичқириб юборамиз, ачамнинг кўзларига ёш қалқийди, онам энтикиб, йиғлаб юборишдан аранг ўзини тутиб қолади. Бизга шунчалик шодиёна кайфиятни ато қилган зотни эслаб ачам узоқ дуо ўқийди.

Шундай олий ҳимматли алломани яна шаҳаримизга келишлигини Аллоҳдан тилаймиз. Аммо бу насиб этмайди бизга. Чунки 1937 йили у халқ душмани тариқа ҳибсга олингани ва қатағон қилинганини эшитиб қоламиз. Унинг орқасидан Рафиқий сингари талай арбобларимизни тутиб кетилади. Уйимиз тўрига осиғлиқ суратдагиларнинг башараси бирин-кетин сиёҳ ва сафсар қалам билан бўялаверади. Қолганларнинг эса тергов устига терговга қатнаб тинкаси қурийди, уйлари тинтув қилинаверади. Бундай ноҳақликларга чидолмаган Муҳаммадшариф Сўфизода ҳам алам чека-чека дунёдан кўз юмади. Дадам уруш бошланиши билан биринчилар қаторида жанггоҳга жўнаб, Курск остоналарида ҳалок бўлади. Мен ўқиётган мактабда директорлик вазифасида ишлаётган Маорифий домла эса ўзини сувга отиб, қайтиб чиқмайди. Кўп ачиндик уларга, йиғладик-сиқтадик-бироқ иложимиз қанча, осмон йироқ, ер қаттиқ экан. Бунинг устига онамдан ҳам айрилиб, куни кеча гавжум бўлиб турган ҳовлимиз ҳувиллаб қолади. Укам Абдунаби билан ачам қўлида етим бўтадек кўзлардан халқа-халқа ёш тўкиб, қаёққа бош уришимизни билмаймиз. Кунларнинг бирида қазноғимиз ичидан беркитиб олиб, юм-юм йиғлаб ўтирган маҳалим бурчакда осиғлиқ бир жўра этикка кўзим тушади. Бу айнан домла Элбекнинг кўрсатган олий ҳиммат эвазига ундирилган ўша хром этик эди асли. Кийиб кўраман. Кичкина оёғим катта этик ичида қалтираб қолади. «Майли, — дейман ичимда, — ночор кунимга яраб қолар ҳали». Икки пой этикнинг бандидан бир-бирига боғлаб, елкамга хуржундай осиб оламан-да, барча билан хайр-маъзурни насия қилиб йўлга тушаман. Аммо қаёққа йўл олаётганимни билмайман. Поезд йўли бўйлаб бошим оққан томонга кетавераман.

Уч ойдан кўпроқ йўл босдим ўшанда. Куз кетидан қаҳратон қиш кириб, атрофни қалин қор қоплайди. Кундузи қуёш чиқиб, теваракни анча-мунча илитиб турса ҳам кечалари қаттиқ совуқ. Ана шундай пайтларда елкамдаги этик жонимга оро киради. Оёғимни латта-путталарга буркаб уни кийиб оламан-да, йўлда давом этаман. Бадан-баданингни тарашадай қотирадиган даражада изғиринли кунларнинг бирида Тошкентга кириб келиб, Ўзбекистон радиосидан паноҳ топаман...

* * *

...Юбилей тантанаси давом этмоқда. Мен хаёл билан бўлиб, саҳнадаги ваъзхонликлар тугагани, навбат шеърхонликлару домла Элбек сўзларига басталанган қўшиқларга берилганини ҳам сезмай қолибман.

Ниҳоят тадбир тугаб ташқарига чиқамиз. Домла Элбекнинг тилла ранг бронзадан яратилиб, тикланган ҳайкали қаршисида турибмиз. Ростини айтай, бу қиёфа менга нотаниш. Балки у кишининг мен кўрган даврдан олдинроқ кечирган умри-қирчиллама ёшлигининг тимсолидир. Лекин бу — ўша, деб тасаввур қиламан. Ҳа, мен ва менга ўхшаш қанча-қанчаларнинг қалбига маърифат чироғини ёққан табаррук сиймо. У мағрур, шу туришда фақат инсонни улуғловчи куй-қўшиққа йўғрилган яхшилик хислатлари жарчиси мисол кўк сари парвозга чоғланган сор-лочинни эслатарди...

**Жонрид АБДУЛЛАХОНОВ**



Кўнгил шайдолик истар...

---

Аҳмаджон МЕЛИБОЕВ

# ОЛТИАРИҚЛИКЛАР

Бундан беш-олти йил аввал адабиёт газетаси «Шум бола» чойхонаси номидан саволлар тузиб, бир неча ҳажвчи ёзувчиларимизга мурожаат қилгандик. Улар орасида мана бундай савол ҳам бор эди: «Мабодо сиз, омадингиз келиб, «Олой» бозорига раҳбар бўлиб қолсангиз, ишни нимадан бошлар эдингиз?»

Бу саволга шоир Анвар Обиджон «Мен олтиариқликман, бунақа майда-чуйда лавозимларга қизиқмайман» деб жавоб қайтарганди.

Бунақа танти жавобни фақат олтиариқликлардан кутиш мумкин. Дарвоқе, Сиз Олтиариқда бўлганмисиз? Ўзбекистонга келган хорижлик меҳмон Тошкентни, Самарқанду Бухорони, Хивани кўрса кўп яхши, аммо Олтиариққа бирров ўтиб, Қапчиғай ёки Қизилтепада бир чўқим ош емаса, «қўлбола» ҳофизлардан бир жуфт қўшиқ эшитмаса, раҳматли Абдуманноп ака ҳақидаги латифаларидан завқланмаса, ўз вақтида бағоят машҳур бўлган Мамадали ака Ғиёсовга тегишли «партизанча» ибораларни тингламаса ёхуд қурилиш қилаётган қўшниси машинада тупроқ ташиётганида йўл чеккасига тўкилиб қолган бир чимдим тупроққа ҳам тўрт туп бодринг уруғи экиб тепасида парвона бўлаётган деҳқон билан гаплашмаса, Олтиариқ ҳусайнисини 8 мартда новдасидан ўз қўли билан узиб емаса, сафарга харжлаган пулининг камида учдан бири хайф кетади.

Дарвоқе, Олтиариқ тўғрисида ўзим биринчи бор... Бойкўнғирда — фазогирлар шаҳарчасида эшитганман. Ҳарбий хизматни шу жойда ўтаганман. Кунларнинг бирида, солдатлар ошхонасининг идиш тарқатиладиган, ҳавоси «анвойи» бўлмаси олдида менга бир саллот бола кутилмаганда марҳамат қилиб қолди. Штаб ходими сифатида идиш олишга навбатсиз суқилаётганимни кўриб, солдатча жеркиш ўрнига «марҳамат, агар шошаётган бўлсангиз» деса бўладими.

Шу воқеа баҳона «марҳаматли» солдат билан танишиб олдик. Исмим Абдусалом, Олтиариқданман, деди.

Абдусалом хизматга биздан бир йил аввал чақирилган, Тошкент қишлоқ хўжалиги институти агрономия факултетининг студенти экан. Шеър, ҳикоя машқ қилишидан ташқари, спортга қаттиқ қизиқар, кечқурунлари қўлига рубоб олиб ҳазин овозда қўшиқ куйларди. Ҳаммасидан кўра унинг баҳслашишга мойиллиги, тортишувда деярли ҳеч қачон ютқазмаслиги, ютқазиб қўйиш хавфи туғилиб қолганида эса (айтиш керакки, бунақаси тез-тез бўлиб турарди), рақибига усталик билан чап бериб, вазиятдан қутулиб кетарди.

Абдусалом бир куни Олтиариқдан келган бир мактубни кўрсатди. Ҳамқишлоғи Анваржон деган йигит ёзибди. Мактубни ўқидик. Охирида битта шеър ҳам илова қилинган экан, қуролдош дўстларимизга овоз чиқариб ўқиб бердик. Ҳозир сўзма-сўз эсимда йўқ, аммо шеър футбол тўпига бағишланган эди: ҳамма аямай тепади, униси бунисига, буниси унисига ошириб тепишади, фақат битта одам — дарвозабон тўпни маҳкам бағрига босади...

Биз ёш ҳаваскор шоирга (бугун у Ўзбекистон халқ шоири) зарур маслаҳатлар бериб, жавоб хати ёзиб юбордик, бундан кейинги машқларида нималарга кўпроқ эътибор бериш зарурлигини яхшилаб тушунтирдик... Чамаси, «тушунтириб» яхши қилган эканмиз!

Хизматдан қайтгач, дорилфунунда олтиариқлик Олимжон деган йигит билан бирга ўқидим. Олтиариқ билан қаттиқроқ боғланавердим, то ҳозиргача бу ерга йилда икки-уч марталаб бораман. Қизилтепадаги Маҳмуд ака бошлиқ сиҳатхона сувидан мириқиб симириб, сўнг дўстларни йўқлашга тушамиз. Бугун Олтиариқнинг деярли кўпчилиги менинг танишларим, дўст-қадрдонларим десам муболаға бўлмайди. Бу ерда кейинги ўттиз йил ичида бўлиб ўтган яхши-ёмон воқеа-ҳодисаларни, ҳангомаларни, туман қайси йили қанча ҳосил берганлигини, қайси ҳовлидан қачон ва қанча бодринг чиқишини, қаергача етиб боришини айта оламан. Бунинг боиси, мен Олтиариққа меҳмонга эмас, ҳаётни ўрганиш, одамларнинг туриш-турмушини кузатиш учун бораман. Бу ерда вилоят эмас, республика мақомида филармония тузса ҳам етиб ортадиган ҳофизлар бор. Олтиариқликлар фахри Эркин Воҳидовнинг ўнлаб шогирдлари шу ерда. Тўртта одамнинг боши қовушган даврага бир зиёли аралашса тансиқ бир таом устида адабиётдан, санъатдан, маънавиятдан баҳс кетади. Бачкана гап-сўзга, ғийбатга мутлақо ўрин қолмайди. Бугун Олимжон Ҳакимов муҳаррирлик қилаётган «Давр овози» газетаси саҳифаларида оддий деҳқонларнинг бодринг пуштасида, ғўза қатор ораларида туғилган гўзал шеърлари, ҳикоялари тез-тез босилиб туради. Туманга фалон шоир ёки ёзувчи келибди, дейишса бас, бир зумда мухлислар жамул-жам бўлишади, қаердалигингизни бирпасда билиб олишади.

Раҳматли Абдуманноп ака ҳазил-ҳузулга, ҳангома-мутойибага ўчлиги билан бирга, жуда куюнчак, сувсаб ёки эгилиб қолган бир туп кўчатни кўрса жиғибийрон бўладиган одам эди. Унинг бу фазилатини бугун жуда кўпларда кўриш мумкин. Давра суҳбатларида ҳосилдорлик, ғўзага ишлов бериш, зараркунандаларга қарши курашиш ҳақида жуда жонли, ошкора баҳс боради. Қўшни боғдодликлар, риштонликлар, учкўприкликлар нима иш қилишаётгани, уларга таққослаганда туман хўжаликларидаги аҳволнинг қандайлиги; раисларнинг юриш-туриши, берган топшириғи бажарилмаса нима деб «ғудраниши» ва ҳоказолар муҳокама қилинади. «Кеча фалон далани кўрдим, ўртаси сарғайиб ётибди, ҳаракат қилмасанг ҳосилдан айриласан» деган гапни Олтиариқда энг оддий одамлар ҳам хўжалик раҳбарларига бемалол айтишаверади. Бу ерда биров учун бировнинг қайғуриши, дўст сифатида камчиликларини кўрсатиши, бунга ҳам парво қилмаса, ҳали айтганим — бир чўқим ош устида боплаб изза қилиш оддий бир ҳол. Ҳамма шунга кўниккан, ҳаммага сингиб кетган бу одат.

Қизилтепа кенгликларини демаса, Олтиариқда ҳар қарич ер ҳисобли. Йиллар ўтиши билан, экин майдонлари камайса камаядики, асло кўпаймайди. Айни пайтда ёшларга томорқа бериш керак, уй-жой қурилиши, кичик саноат корхоналари учун ер ажратиш лозим. Бундай шароитда фақат олтиариқча тадбиркорлик қўл келади. Энг муҳими — одамлар ўз ихтиёрларидаги беш-олти сўтик ердан оқилона фойдаланиш, йилда икки-уч марталаб ҳосил олиш йўлларини ахтарадилар. Баъзи қишлоқларда одамлар чойхоналарни тўлдириб эртадан кечгача «Оддий Мария» ёки «Морена Клара» филми воқеаларини муҳокама қилсалар, олтиариқликлар ўша бир чўқим ош устидаги иликни қоқиб туриб ҳам янги, эртапишар навлар, парвариш хусусиятлари, сақлаш маҳоратидан гурунг очадилар. Бу ерда энг ёмон хабар — бодрингга касал тушиши. Ҳамма типирчилаб қолади, ҳамма ўзича амаллар қўллайди, яхши натижа берса, бир-бирига суюнчилайди. Дарвоқе, Олтиариқда бодринг жўякларининг охирги иккитасига мутлақо дори сепилмаётгани ҳам рост!

Олтиариқда яна бир одат — бу ерда бекорчи, кўча чангитиб юрган одамни кўрмайсиз. Ёш ҳам, қари ҳам бир иш, бир режа билан банд. Баъзи жойларда оқшом қуниши билан ёшяланглар кўчага чиқишади, ғуж-ғуж бўлиб ярим тунгача валакилашиб ўтиришади. Олтиариқда бунақа манзарани мутлақо учратмайсиз. Кимни кўрманг — бир ёққа шошаётган, ниманидир гаплашиб, келишиб келаётган, уйига нимадир тушираётган бўлади.

Мени ҳайратга солган нарсалардан бири — Олтиариқда болаларни жуда ёшликдан муомала одобига ўргатишади. Бирорта дўстингизни йўқлаб бориб, адашиб қўшни ҳовлининг дарвозасини тақиллатиб қолсангиз ҳам, болалари чиқиб «Ассалому алайкум, келинг тоға, у киши қўшнимиз бўладилар, бир пиёла чой ичиб туринг, ҳозир чақириб келаман» дейди, полиздан тўрт дона бодринг, сўри токдан узум узиб келиб олдингизга қўяди, ўзингизга билдирмай пойабзалингизни, машинангизни ойнасини артиб қўйишади.



Олтиариқ тўйлари жуда бежирим, ҳавас қиларли даражада ўтади. Бу ернинг пазандаларини таъриф қилиш керак бўлиб қолса, бодринг ёки турп миришкорлари таърифига ишлатиладиган жамики сифат ибораларини қайта қўллаш лозим бўлади. Яна бир томони, Олтиариқ тўйларида бошқа ёқлардан не қийинчиликлар билан ҳофиз олиб келишга ҳожат йўқ. Юқорида айтганимиз, ҳофизлар масаласида ҳам уларнинг омади келган. Бир кунда йигирма жойда карнай-сурнай чалинса ҳам ҳофизлар етиб ортади: Қобилжон Юсупов, Маъмуржон Тўхтасинов, Солижон Маматов, Охунжон Мадалиев, Қиличбек Тожиев. Улар ўз ватандошларига беминнат хизмат қиладилар. Аскиячилари, латифагўйлари ҳам етарли. Биргина Абдулла Акбаровнинг ўзи ҳар қанча тўй бўлса, кулдиравериб ҳар қанча бодринг еган бўлсангиз ҳам ҳазм қилдирворади.

Олтиариқнинг энг зўр одати — бу ерда латифа айтувчилар ва энг зўр латифаларни эслаб қолиб, бошқаларга етказувчилар бор. Масалан, Мирзамурод деган агроном йигитнинг Абдураззоқ бува тўғрисидаги битта ҳангомаси, мана ўттиз йилдан бери айтилади, латифагўйлик қаерда бошланса, Мирзамурод айни шу ҳангомани айтади ва ҳаммани кулдиради. Ёки Ҳоким буванинг андижонлик меҳмонларни қимиз билан сийлаши ёки табибга бориб келиб ичишни ташлаган йигит ҳангомасини олиб кўрайлик. Икки қўшни ярим қарич ер деб уришиб қолиб, бир-бирларини зоти пастликда айблашгани-чи? Солижон Маматовнинг пиллабоқар тоғалари ҳангомаси-чи? Буларнинг ҳаммаси шу ерда бўлиб ўтган ва оғиздан-оғизга кўчиб юриб, бутун республикага тарқаб кетган. Уларга сайқал беришда Анвар Обиджоннинг, айримларида эса каминанинг ҳам хизматлари бор, албатта. Мана, энг сўнггиларидан бири. Қобилжон Юсуповнинг айтишича, ДАН ходими йўлдан келаётса, битта «Тико» машинаси дарахтнинг учида турганмиш. Шофёр аланг-жаланг қилиб кабинадан бошини чиқариб турганмиш. «Ҳе, нима бор у ерда сенга?», — дебди ДАН ходими ҳайрон бўлиб. — «Тико»нинг тез юришини билардим, ичи кенглигидан хабарим бор эди, аммо итдан қўрқишини билмаган эканман» дер эмиш ҳайдовчи.

Олтиариққа борган кишининг баҳри-дили очилади, чарчоғи ҳар қанча бўлса, қушдай енгил бўлиб қайтади. Ғаллакор Одилжон ака, тадбиркор Икром ака, тунги бодринг бозорининг жамоатчи директори Юрсинали, лақабига ўзи ҳам тан берадиган Ҳомиджонлар билан гаплашган одам камида икки-уч ёшга яшаради. Полосонликлар, повулғонликлар, файзиободликларга хос латифаларни фақат шу ерда эшитиш мумкин. Энг муҳими — бу ерда бўлган киши чинакамига ўзбекона урф-одатларни, меҳр-оқибатни, ҳеч нарсага қиёслаб бўлмайдиган олтиариқча самимиятни кўради.

Яқинда йўлимиз яна Олтиариққа тушди. Мустақиллик йилларида туман ҳаётида муҳим ижтимоий ўзгаришлар юз берди. Бир вақтлар уйини томини оқ тунука билан ёпгани учун райком бюросида сўроқ берган одамлар бугун ўзлари, ўғил-қизлари, невара-чевараларини ҳам уйлаб қурилиш қилмоқдалар. Яхши ишлаган, ҳаракат қилган одам яхши яшамоқда. Туман ҳокими Нўъмонжон Омонов «биз ёшлар тарбиясига алоҳида эътибор бермоқдамиз, янги ишчи кучлари яратмоқдамиз. Ёшлар фойдали бир машғулот билан банд бўлсалар, уларни ёмон йўлларга бошлаб бўлмайди» дейди. Туман деҳқон-фермер хўжаликлари уюшмаси раҳбари Ҳошимжон Ўринбоевнинг айтишича, Олтиариқда ҳозир 86 та фермер, 12 минг 780 та деҳқон хўжаликлари мавжуд. Фермер хўжаликларидан 20 таси чорвачилик, 66 таси боғдорчилик йўналишларида фаолият кўрсатмоқда. Бизга «Одилжон», «Комилжон», «Чинор», «Ортиқов И» фермер хўжаликлари эришаётган ютуқлар тўғрисида батафсил сўзлаб беришди. Туманда юртбошимиз Фармонлари асосида одамларни ижтимоий муҳофаза қилиш, кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам кўрсатишга алоҳида эътибор берилмоқда.

Олтиариқликлар бу йил давлатга пилла ва ғалла сотиш режаларини биринчилардан бўлиб уддаладилар. Олтиариқ қишлоқларини айлансангиз, дўконларда аҳолига ун ва бошқа зарур рўзғор маҳсулотлари узлуксиз сотилаётганлигига гувоҳ бўласиз. Туманда жорий йилнинг дастлабки олти ойи ичида 816 миллион сўмлик саноат маҳсулотлари ишлаб чиқилди. 1906 йилда қурилган юртимиздаги энг қадимий нефтни қайта ишлаш заводи янгидан замонавий тарзда жиҳозланмоқда.

— Одамларимизнинг кайфияти яхши, — дейди ҳоким, — халқимизнинг меҳнатсеварлиги, изланувчанлигига қойил қолса арзийди. Бизнинг энг катта бойлигимиз — одамларимизнинг тадбиркорлиги, хушфеъллиги, изланувчанлиги. Ёшларимиз орасидан ажойиб тадбиркорлар, саховатпешалар етишиб чиқмоқда. Улар ҳали ўз сўзларини айтадилар. Олтиариқ обрўсини янада баланд кўтарадилар. Мен бунга ишонаман.

Ҳокимнинг сўзларини тинглар эканман, Абдуманноп аканинг «бизда одамлар ҳамиша ўз кучи, имкониятига ишониб яшашади, қўйиб берсангиз, томнинг тепасига ҳам бир нима экиб, ҳосил ундиради» деган гаплари эсга тушади. Шўролар даврида бундай одамларнинг қўл-оёқлари боғлаб ташланган эди, тадбиркорлик йўлларига тошу харсанглар бостирилганди. Бугун энди, мустақиллик шарофати ила одамлар ўз қобилиятлари, салоҳиятларини тўла намоён қилмоқдалар, ўз меҳнатлари самараларидан баҳраманд бўлмоқдалар. Бу баҳрамандликнинг бугунги реал манзараларини кўрмоқчи бўлсангиз, Олтиариққа боринг...

---



*Тоғлар залворини бергуси боқсанг,*
*Дарахтнинг улуғи дуркун бўлади.*
*Кўтаринган каби заминдан мозий,*
*Унинг ҳар япроғи бир кун бўлади.*

*Ҳар фасл руҳингни сабоғига тут,*
*Умрингдан яшаб ўт жондек ёнида.*
*Ҳаёт рангларида турган бир тарих,*
*Мудом Ватан оқур яшил қонида...*

---

# МАСАЛА ЕЧИМИ УЧУН БИР ТАКЛИФ

Боши биринчи бетда

гини унутмайлик, У қуруқ ақидалар йиғиндиси эмас. Ана шу маърифатни кишиларимиз жонжон деб қабул қиладилар ва яхши ўгитларга амал қиладилар. Меҳр — оқибатли, номусли, ориятли бўлишга, иззат-эҳтиром тушунчаларига риоя этишга интиладилар... Кўҳна тарихимизнинг қайси даврини эсламайлик, дин ҳар доим одамларни ўз-ўзини идора этишга, яхши хислатларини кўпайтириб, ёмонларидан халос бўлишга чорлаган... Демак, дин халқ маънавиятининг, маърифатининг юксалишига катта ҳисса қўшиб келган экан, бугунги давлатчилигимиз ҳақида сўз юритганда, режалар тузганда ҳам умуминсоний қадрият сифатида эътиборда тутишимиз лозим». Демак, халқимизни етарли миқдорда керакли диний адабиётлар билан таъминлаб, маънавий озуқа захирамизни тўлдира боришимиз зарур.

Ўзбекистонда таълим-тарбия соҳасининг ўзига хос фазилатларидан бири шуки, бу унинг узлуксизлигидир. Маънавий озуқа захирасига бўлган талаб ва эҳтиёжни бугунги кунда 7 — 11 яшар мактаб ўқувчилари доирасига тегишли деб ҳисобланса, ҳадемай, орадан 5 — 6 йил ўтгач, бу масала олий ва ўрта махсус ўқув юртларининг талабаю толибаларига ҳам тегишли бўлиб қолади. Демак, ҳозирда оддий вазифа бўлиб турган бу масала давр ўтиши билан муаммога айланиб кетмаслиги учун айни вақтида отни қамчилаб қолмоқ зарур. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус ўқув юртлари вазири Саидаҳрор ҒУЛОМОВ билан суҳбатимиз ана шулар ҳақида борди:

— «Миллий тикланиш» газетаси маънавий озуқа захирамиз хусусидаги масалани кенг жамоатчилик эътиборига ҳавола қилиб, қутлуғ ишга қўл урибди, — деди вазир. — Бу нарса биринчи навбатда олий ва ўрта махсус таълим соҳаси ходимларига ҳам таааллуқлидир. «Бир муаммоки...» мақоласи билан танишиб чиқдик. Вазирлигимизнинг маънавият масалалари билан шуғулланувчи масъул раҳбар ходимларига ушбу мақолада кўтарилган масала бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишни топширдик. Маълумки, масалани ўртага қўйиш — бир вазифа. Унинг ечими йўлларини топиш ва белгилаш — яна бир бошқа вазифа. Тўғри, булар бир-бирига боғлиқ юмушлардир. Турли ечимлар орқали ҳам муайян бир масалани ҳал қилиш мумкин. Муҳими, сўз юритилаётган мақолада уқтириб ўтилганидек, ҳар бир ва ҳар қандай муаммо бир ой ёки бир йилда пайдо бўлмайди. Ўз вақтида ечила бормаган масалалар йиғилиб, кейин муаммога айланади. Масалани масала ҳолатида турганида ҳал қилиш осон, муаммога айлангач, унинг ечими қийинроқ кечади. Хуллас, маънавий озуқа захирамизни ярата бориш хусусида таклиф ва тавсиялар тўплаяпмиз. Марҳамат, мақола муаллифи сифатида масала ечими учун таклиф ва тавсияларингиз бўлса, маълум қилсангиз.

Сирасини айтганда, ҳурматли вазиримизнинг бу таклифи бизни мавзуга қайтиб, мазкур мақолани ёзишга ундади ва далда бўлди. Республикамиз ижтимоий ҳаётида бир қатор нодавлат ва ноҳукумат ташкилотларининг ўрни ва аҳамияти сезиларли бўлмоқда. Масалан, «Наврўз» ва «Маҳалла» хайрия жамғармалари, «Соғлом авлод учун» халқаро ноҳукумат хайрия жамғармаси, «Олтин мерос» халқаро жамғармаси, уйғун ривожланган ёш авлодни тарбиялаш ишида ҳар томонлама ёрдам бериш мақсадида тузилган «Камолот» жамғармаси, иқтидорли ёшларни чет элда таълим олишларини қўллаб — қувватлаш «Умид» жамғармаси, «Устоз» республика фонди, Имом ал-Бухорий халқаро жамғармаси ва шу каби ноҳукумат жамоат ташкилотларининг анча самарали фаолиятларини мисол қилиб келтириш мумкин. Ўзбекистон жамияти йил сайин фуқаролик жамият томон ривожлана бораётган экан, жамоат ташкилотларининг сони ва нуфузи ҳам оша бориши турган гап. Мазкур ҳолдан келиб чиқиб, турли йилларда ўзбек тилида кирилл алфавитига асосланган ёзувимизда чоп этилган, ҳозирги кунларимиз учун ҳам, келажакда ҳам ўз аҳамиятини йўқотмайдиган, истиқлол ғояларимиз ва истиқлол мафкурамизга мазмун-моҳияти билан уйғун келадиган адабиёт ва санъат асарларини, шунингдек, муҳим ижтимоий — сиёсий асарларни лотин ёзувига асосланган ўзбек алфавитида қайта нашр этишга кўмаклашувчи ноҳукумат халқаро хайрия жамғармасини ташкил этишни жамоатчилик эътиборига ҳавола қиламиз. Бу вазифа Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 12 сентябрда қабул қилинган «Лотин ёзувига асосланган ўзбек алфавитини жорий этиш тўғрисида»ги Қонунини тўла-тўкис ва ўз вақтида амалга оширишга ҳам тўғри келади.

Биз лотин ёзувига асосланган ўзбек алфавитида қайта нашр этиладиган китоблар деганда қуйидагиларни назарда тутмоқдамиз:

1. Аҳмад Яссавий, Қутб Хоразмий, Рабғузий, Сулаймон Боқирғоний, Ҳофиз Хоразмий, Паҳлавон Маҳмуд, Сайфи Саройи, Саккокий, Атойи, Лутфий, Ҳусайний, Навоий, Муҳаммад Солиҳ, Шайбоний, Убайдий, Бобур, Зебуннисо, Машраб, Ҳувайдо, Мунис, Амирий, Фазлий, Огаҳий, Муқимий, Фурқат каби ўзбек мумтоз адабиёти вакилларининг асарлари;

2. Абдулла Қодирий, Фитрат, Чўлпон, Авлоний, Ойбек, Ғафур Ғулом каби XX аср миллий адабиётимизнинг атоқли вакилларининг танланган асарлари;

3. Мунавварқори, Беҳбудий сингари жадидчилик ҳаракати намоёндаларининг сара ишлари;

4. Академик Тошмуҳаммад Қориниёзийнинг Мирзо Улуғбекнинг «Зижи жадиди Кўрагоний» рисоласи ҳақидаги китоби, академик Иброҳим Мўминовнинг Мирзо Абдулқодир Бедилнинг фалсафий қарашларига ҳамда Амир Темурнинг фаолиятига бағишланган рисолалари, филология фанлари доктори Эргаш Рустамовнинг XV аср ўзбек мумтоз адабиёти илмий таҳлилига доир асари, академик Воҳид Абдуллаев ва Субутой Долимовнинг Хоразм адабиётини ёритувчи илмий ишлари; академиклар Азизхон Қаюмов ва Алибек Рустамов, профессорлар Озод Шарафиддинов ва Шариф Юсупов, Иброҳим Ғафуровнинг ўтмиш ва ҳозирги адабиётимизга бағишланган китоблари ва рисолалари ҳам шу сирага киради;

5. Бугунги кунда барҳаёт бўлиб, фаол ижод қилаётган, мангуликка дахлдор асарлар яратган ва яратаётган ёзувчи ва шоирларимизнинг танланган асарлари.

Юқорида тилга олинган рўйхат қатъий эмас, албатта. Иш жараёнида жамоатчиликнинг таклиф ва мулоҳазалари, тавсиялари бўйича кўриб чиқилади ва тўлдириб борилади. Ўзбек адабиётига доир нашрларни амалга оширишда республикамиз ташкилотлари ва айрим саховатли кишиларимизнинг ҳомийлигидан фойдаланиш кўзда тутилади.

6. Инглиз, француз, немис, испан, рус, турк, араб, форс, ўрду, ҳинд ва япон бадиий адабиётининг ўзбек тилида кирилл алфавити асосидаги ёзувимизда турли йилларда нашр қилинган асарлари, бу туркумга Саъдий, Ҳофиз, Румий, Сервантес, Данте, Шекспир, Мольер, Гёте, Байрон, Шоу, Хемингуэй, Драйзер, Пушкин, Толстой, Достоевский, Лермонтов, Чехов, Маҳмуд Таймур, Сабоҳиддин Али, Юсуф ас-Сабоий, Кобо Абе, Мирзо Ғолиб, Тагор сингари юзлаб муаллифларининг асарлари киради. Бу асарларни халқимизнинг турли авлодга мансуб кишилари севиб мутолаа қилиб, маънавий озуқа олиб келганлар ва бундан кейин ҳам шундай бўлишини зарур деб биламиз. Бу борада бир ой ёки бир йил бўлсинки, узилиш юз беришига йўл қўйиш мумкин эмас. Маънавий озуқа ҳам худди жисмоний ризқ сингари муттасил таъминотни тақозо этади. Мазкур туркумдаги китобларни лотинча ёзувимизда қайта нашр этиш ишига чет эллик саховатли ҳомийларни жалб этиш мумкин ва лозим бўлади. Масалан, Германия Федератив Республикасида немис адабиётини, шу жумладан, Гейне шеъриятини жаҳон миллий тилларида нашр этишни рағбатлантирувчи марказлар бор, уларнинг моддий ва техник ёрдамларидан фойдаланиш мумкин. Лондонда Шекспир, Парижда Молер уйлари бор. Истанбулда Отатурк маркази ишлаб турибди. АҚШ, Испания, Италия, Япония ва бошқа мамлакатларда ҳам шундай хайрия ташкилотлари мавжуд. Қолаверса, БМТ ва ЮНЕСКО низомларида илм-маърифат тарқатишдек эзгу ишларга кўмаклашиш борасида тегишли моддалар мавжуд. Бинобарин, бутун Ер юзи инсониятнинг умумий уйи, ҳар бир инсон қаерда яшаши ва қайси тилда сўзлашишидан қатъий назар, шу уйнинг, шу оиланинг бир аъзосидир. Шахсий етукликдан бутун инсониятнинг умумий камолотига эришилади.

7. Қуръони каримнинг Алоуддин Мансур томонидан ўзбекча изоҳли таржимаси, Имом ал-Бухорийнинг Зокиржон Исмоил, Хожа Музаффар Набихон ўғли, Абдулғани Абдуллоҳ, Раҳматуллоҳ қори Қосим ўғли томонидан ўзбекчага таржима қилиниб, 1991 — 1996 йилларда Тошкентда нашр этилган 4 жилдан иборат «Ҳадис» (Ал-Жомиъ ас-саҳиҳ — ишонарли тўплам) ва шу каби истиқлол йилларида республикамизда чоп этилган муқаддас диний китоблар. Буларни лотинча ёзувимизда қайта нашр этишга тараққий этган араб мамлакатларидаги, шу жумладан, Миср Араб Республикаси, Қувайт давлатидаги хайрия ташкилотлари ва айрим саховатли бойбадавлат шахсларни жалб қилиш мумкин.

8. Ёш авлодимиз тобора бўйсира бўлиб бормоқда. Кечаги мактаб ўқувчиси бугун коллеж ва олий ўқув юртларининг талабаларига айланмоқда. Бу эса замонага етишиб юриш учун Йўлбошчимизнинг ёш авлодга таалуқли асарларини лотинча ёзувимизда нашр этишга киришишни тақозо этмоқда. Бизнингча, бу борада биринчи навбатда Ислом Каримовнинг «Инсон бахт учун туғилади» (ҳикматли сўзлар), «Баркамол авлод орзуси», «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари», «Маънавий юксалиш йўлида» китобларини нашр этиш лозим кўринади.

Маълумки, Ўзбекистон жамияти эволюцион тараққиёт йўлидан олға бормоқда, яъни янги уй қурмасдан туриб, эскисидан воз кечиб юборилмаяпти. Бу эса узлуксиз равнақ эта боришни таъминламоқда. Ислом Каримов «Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда» асарида «Биз келгуси асрга ўзимиз билан нималарни олиб ўтишимиз мумкин ва зарур?» деб савол қўйган экан, бизнингча, кейинги деярли 60 йил давомида (ҳисобни кирилл ёзувига ўтилган 1940 йилдан оляпмиз) ўзбек тилида, бироқ кирилл алфавитида босилган, бугун ҳам, келажакда ҳам маънавий озуқа захираси бўлиб қоладиган бадиий адабиёт ва санъат асарларини ҳам янги минг йилликка олиб ўтишимиз зарур, деб биламиз. Бунинг учун мазкур китобларни лотинча ёзувимизда қайта нашр этиш лозимдир. Бу нарса ҳозир оддий масала бўлиб туюлиши, бироқ, вақт ўтган сайин муаммога айланиб кетиши мумкин. Исбот талаб қилмайдиган ҳақиқатлардан бири шуки, ўз вақтида ечила бормаган масалалар бора-бора йиғилиб, кейин муаммога айланади. Масалани масала босқичида турганида ҳал қилиш осон. Суръату шижоат ила шундай иш тутайлик демоқчимиз. Зеро, маънавий озуқа захирамиз узлуксизлигини таъминлай бориш жамиятимиз равнақи учун, мустақиллигимизни мустаҳкамлаш учун кафолатлардан биридир.

*Мушоҳадага ундов!*

# УСТОЗ-ШОГИРДЛИК МЕЗОНЛАРИ



Ҳар қандай фаоллик ва ривожланиш шахснинг ахлоқий, маънавий ва касбий сифатлари асосида ўлчанади. Агар касбга меҳр бўлмаса, ижодкорлик ва маҳоратга эришиб бўлмайди. Тўғри, инсон кимгадир ўргатиб, кимдандир ўрганиб яшайди. Аммо бола руҳияти ва унинг тафаккурини тарбиялаш осонликча кечадиган жараён эмас. Хўш, шундай экан, узтоз-шогирдликнинг ўзига хос мезонлари илмий жиҳатдан асослаб берилганми? Устоз қандай фазилатларга эга бўлиши керак? Шогирд устознинг қай бир шахсий хусусиятларини ва касбий сифатларини ўзида акс эттириши керак?

Устоз деган номга сазовор бўлиш учун киши ўзининг илмий, ижодий, услубий йўналишига ёки мактабига эга бўлиш лозим. Бу мактабнинг мақсади, вазифаси нималарга қаратилгани ва кимлар бу мактабда сабоқ олиши мумкинлиги омма ёхуд илмий жамоатчилик томонидан эътироф этилгандагина у шундай мақомга эришади. Шунга кўра оддий ўқитувчилик тўлақонли устозлик дегани эмас. Демак устозликнинг ёки «Устоз-шогирд»ликнинг ўзига хос шартлари, йўналиши ёки концепцияси бўлиши лозим экан. «Мактаб кўрган» деган ибора ана шундан келиб чиқади. Устозликнинг давр синовидан ўтган, шогирдлари томонидан эътироф этилган шахсий ва касбий фазилатлари намоён қилади. Шахсий фазилатлар асосида эса инсонпарварлик, ўзгаларга яхшилик қила билиш туради. Касбий фазилатлар асосини касб тарбияси ташкил этади.

Касб тарбияси — касб-ҳунарни улуғлаш, унинг қадрига етиш, ўз касби ва устозларига содиқ қолиб, касб бурчи ва масъулияти асосида фаолият юритишдир. Навоийнинг «Ҳайратул аброр» асарида касб тарбиясини эгаллаш, касбни ва устозни улуғлаш «Устоз-шогирдлик» шартлари кенг баён қилинган. Кошифийнинг «Футувватномаи Султоний» асарида турли касб эгаларининг одоби, фаолият мезони содда ва равон ҳолда таҳлил этилган.

Шунингдек, Шарқ уйғониш фалсафасининг асосчилари ал-Хоразмий, Абу Наср Форобий, Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино таълимотида «Устоз шогирд»ликнинг нозик қирралари алоҳида кўрсатиб ўтилган. Исломда ҳам комил инсон тарбияси, илм ва маърифатни эгаллаш муаммолари ҳамда «Устоз шогирдлик»нинг ўзига хос хислатлари Қуръони карим ва ҳадиси шарифларда кенг талқин қилинган.

Диний таълимдан маълумки, пир ниҳоятда ҳалол, меҳнатсевар, юксак ахлоқли, покдамон ва кароматли инсон бўлиши талаб қилинган. Ёлғон, ғийбат ва ялқовлик, тамагирлик, фаҳш ишлари билан машғул бўлувчи шасхлар номи нафақат пир, балки мурид сифатида ҳам тан олинмаган. Пир ўзининг билимдонлиги, ҳикматга тўлиқ сўзлари, ахлоқи, камтарлиги, инсонпарварлиги билан муридлар қалбига йўл топган, уларга намуна бўлган. Пир ўзининг обрў-эътибори билан юрт назарига тушган. Манбаларнинг кўрсатишича хонақоҳларда муридлар ўзларини сипо тутишиб, бир-бирларига биродар деб, пир эса муридларини фарзандим деб мурожаат қилган. Пирга қўл бермокчи бўлганлар ўзига хос тайёргарликлар кўриб, синов шартларини бажаришган. Синовдан ўтиш учун узоқ вақт давомида мутолаа қилинган. «Устоз-шогирд»ликнинг тарихи, унинг миллий психологик хусусиятлари ана шундай характерга эга бўлган.



Кадрлар таёрлаш миллий дастурида ўқитувчи ва ўқитувчилик касбига бўлган муносабатни тубдан ўзгартириш кераклиги бежиз таъкидлаб ўтилмаган. Етук кадрлар — келажак бунёдкорлари. Эртанги кун эгаларининг ҳаётий муносабатлари уларнинг касбий муносабатларидан келиб чиқишини унутмаслигимиз лозим... Демак касбга тўғри йўналтириш ҳаётга тўғри йўналтириш деганидир. Бу эса ўқитувчидан алоҳида ижодкорлик ва касб маҳоратини талаб қилади. Ўз касбининг ҳақиқий жонкуяри ва фидойиси бўлиш анъанавий баркамоллик белгисидир. Ўқитувчининг маънавий қиёфаси эгаллаган касб тарбияси орқалигина шаклланади. Эзгулик, зиё ва маънавият бугунги куннинг ягона ҳаракат дастури эканлигини Олий Мажлиснинг XIV сессиясида Президентимиз алоҳида кўрсатиб ўтди. Янгича тафаккур асосида ёркин келажак сари интилиб, орзу-истаклар уммонида мавж уриб яшовчи умидли ёшларни тарбиялаш устоз — мураббийлар олдида турган вазифа ҳисобланади.

Халқимизда «Ўтганлардан устоз тополмаган қолганлардан тополмайди» деган нақл бор. Илм-маърифат ва маънавият тарбияси йўлида устозлар ҳурматини бажо келтириб, уларнинг панду ўгитларига амал қилиб иш юритган шогирдлар, иншооллоҳ, келгусида устозликка даъвогар бўлишлари, «Устоз-шогирд» мактаби анъаналарининг содиқ давомчилари бўлиб қолишлари тайин. Лекин ҳозир бу борада аҳвол кўнгилдагидекми? Йўқ бўлса, сабаби нима?

**Ҳабибулло АБДУКАРИМОВ**

**Гулистон**

*Қовунлар мамлакатида*

# ТИЛИНГГА БОС ҚАРИҚИЗНИ...

Саҳармардонда уйқу Юсуф қовунчининг кўзларидан тўрини тортди. У қулочларини кериб,тиниқ ва салқин ҳаводан тўйиб-тўйиб нафас олди. Шира боғлаб бандидан узилган гурвак ва замча (ҳандалак)ларнинг хушбўй ҳиди димоқни қитиқлайди. Яйрайсан одам, Юсуф қовунчи полизга узоқ тикилиб турди. Шудрингда тарс ёрилган ширин-шакар қовунларни етиштиришнинг ўзи бўладими? Қовун, эҳе-е, кечани кеча, кундузни кундуз демай қилинган фидойи меҳнат, бирор тун қовун-тарвуз кўчати сарғайса, унинг рангига қараб қовунчиларнинг ҳам ташвишда ранги сарғайган кунлар...



Юсуф қовунчи Наврўзов ўғиллари Фаҳриддин, Ботир, келини Муяссар, қизлари Иқбол ва Нафосатлар билан баҳордангина эмас, декабр ойидан бошлаб далалар билан тиллашиб, ихлос тўкиб меҳнат қила бошлайдилар.

— Мен аввал қовун-тарвуз экиладиган ерларни танлаб оламан. Жамоа хўжалиги бошқарувининг раиси Душамбой Абдураимов бизга тупроғи ҳосилдор ерлардан ажратиб беради. Қовун экиладиган майдонни ҳар йили ўзгартириб турамиз, — дейди, Шовот туманидаги «Меҳнатобод» жамоа хўжалигининг полизчилик бригадаси бошлиғи Юсуф Наврўзов. — Қовун-тарвуз ҳар йили бир далага экилаверса, ҳосилдорлик камайиб кетади. Пахта, маккажўхори ўрнига алмашлаб экилса, кўнгилдаги ҳосилни олиш мумкин. Бир йил қовун-тарвуз экилган далага иккинчи йили чигит экилса, ҳосилдорлиги юқори бўлади. Юсуф Наврўзовнинг отаси Рўзим Наврўзов шу жамоа хўжалигида пахтачилик бригадаси бошлиғи бўлиб ишлаган, 40 — 50 йилларда «Иттифоқ» колхозида раислик қилган эди. Деҳқончилик тажрибасини теран эгаллаган отасидан экин билан, ер билан тиллашиш сир-асрорини, ернинг ҳосилдорлик даражасини ошириш йўлларини ўрганган Юсуфжон ота касбининг этагини тутди. У полизчилик бригадасига бошлиқ қилиб тайинлангач, аввало камайиб кетган қовун навлари — ширинпечак, хива бешаги, қариқиз, ола ҳамма, балиқи каби асалдай қовунлар уруғини топиб келтириб экди, кўпайтирди. Мана, у 20 йилдан буён полизчилик бригадасига бошчилик қилиб келаяпти, режани бажаролмай доғда қолган йили йўқ. Ишнинг кўзини билади. Қовун навининг хил хусусияти, «феъли», қандай таркибли тупроқда серҳосил бўлиши унга аён. У аввал уруғ танлайди, кейин ер танлайди. Экишга тайёрлашда Юсуфжоннинг ўзига хос иш тутуми бор. Ерни ер қилишни ўрганиб олган у. Экин экиладиган ерни танлаб олдими, аввал уни кафтдай қилиб текислайди. Сўнгра об-ҳаётга керагича, истаганча қондиради. Тобга келган экин майдонларини шахмат усулида икки томонлама ҳайдатади. Бунда, Юсуфжоннинг айтишича, бир қарич ҳам ҳайдалмаган ер қолмайди. Ҳайдалган ерда ошиқдай ҳам кесак кўринмайди, тупроқ урвоқдай майдаланади. Ерга қадалган қовун-тарвуз уруғи тез униб чиқади, тупроқ юмшоқ ва майин бўлгач, тўрт тарафга бемалол, қийналмай илдиз отади. Қовун-тарвуз туплари тез етилади, экин суғорганда нам тўрт томонга текис таралади. Ҳар бир пуштанинг эни 10 метр қилиб олинади, жўякларга сув қуйганда пуштага нам текис таралади, экин чанқаб қолмайди, гулини тўкмайди.

Меҳнат кишини элга танитади, уни Шовот туманида, Хоразм вилоятида ҳамма Юсуф қовунчи деб эъзозлайди. Юсуф қовунчи бу йил 10 гектарга яқин майдонда қовун-тарвуз етиштирди. Гурвак, ола хамма, Чоржўй бешаги, хива бешаги, ширинпечак, қариқиз, балиқи, ширин новвот, гулоби, жийдаяпроқ каби тилими тилни қирқ тилим қиладиган қовунлар... Хоразм қовунчилигини ривожлантиришга у ўзига хос улуш қўшиб келаяпти.

Машҳур можор сайёҳи Хоразмга келганида «Мен дунёни кездим, лекин ҳеч қаерда Хоразм қовунларидай лабни лабга пайвандлайдиган тилёрар ширин қовун емадим» деб ёзган.

Дарҳақиқат, қадим-қадимлардан ширин Хоразм қовунларининг довруғи дунёга ёйилган. Бу Юсуф қовунчига ўхшаган феъли кенг, фидойи полизчиларнинг меҳнати туфайлидир.

Юсуфжон бошлиқ полизчилар бу йил ҳар гектар ердан 200 центнердан ошириб қовун-тарвуз олишга аҳд қилганлар. Оила аъзолари ҳар йили мўл даромад олаяптилар. Қовунчиларнинг 1998 йилги оилавий даромади 800 минг сўмни ташкил этди. Бу йил даромад миқдори янада ортади.

**Раҳим ОТАХОНОВ,**

**Шовот тумани**

*Кўҳна гаплар*

# КИМ ОНАСИГА СУЯК СОТАДИ?

## Умри битган, битиб бораётган гаплар, урф-одатлар

Замонлар ўтиши билан сўз-иборалар бўлсин, урф-одатлар бўлсин умри битиб йўқолиб бораверар экан.

**«Кўса қариганини билмас»** деган матални олайлик. Илгари соқоли оқарган киши борки, уни қўйиб юборар ва бу нарса кексалик нишонаси бўларди. Кўсада мўйнинг ўзи бўлмаса, нимани қўяди? Эндиликда эса ҳамма «кўса». Хавфсиз устаралар, электр устаралар расм бўлгач, эркаклар кунда, кунора бемалол ва бечиқим соқол-мўйлабини қириб юрадиган бўлиб қолди. Шундай қилиб, бу маталнинг умри битди.

Бировнинг турмуштуриши яхшилигини ифодалаш учун **«қўлини совуқ сувга урмайди»** деган ибора ишлатиларди. Турмушимизга газ кириб келгач, иссиқ сув ташвиши йўқолди, уни хоҳлаганча ишлатавериш мумкин бўлиб қолди.

Ёхуд иши яхшилигининг ифодаси сифатида **«Нонни ёғ билан ейди»** дейиларди. Энди бўлса ёғ кишининг организмига аввало кўпда талаб этилмаслиги аниқланган бўлса, иккинчидан, уни ҳар ҳолда истеъмол этиш мумкин бўлиб қолди.

**«Қассоб онасига ҳам суяк сотади»** деган гап бор эди. Мустақиллик туфайли савдо-сотиқ ривож топиб, бундай қарасак чет элларда аллақачон гўштни суякдан ажратиб сотиш расм бўлган экан. Ана шу одат энди бизга ҳам дадил кириб бормоқда, суяк керак бўлган одам уни гўштдан ўн баравар арзонга харид қилмоқда.

Неча асрлик паранжининг ҳам энди умри тугаб, у билан боғлиқ гаплар ҳам барҳам топди. Ўша маҳалларда дейлик қайинона келинига бундай деб дашном берарди: «Эсингизни йиғиб олинг, ҳадемай эшигиз **«оқ паранжи, кўк паранжи бўлиб қолади!»**. Бу, гап билан у бўйи етиб келаётган набирасини назарда тутган бўлиб, кетма-кет келиб кетадиган совчилар бир-биридан паранжисининг туси билан осонгина фарқ қилинган.

Боринг, 30-йилларгача ўзбек хонадонларига замонавий медицина тугал кириб келмаган ва болалар қизамиқ, зотилжам, кўкйўтал, сувчечак, безгак, ёзда кўз оғриғи, ичбуруқ бўлиб, кўплаб нобуд бўлиб кетарди. Ҳозирда эса бола туғилиши биланоқ шу касалликларнинг олди олиб қўйилмоқда, ёхуд дарров кор қиладиган дорилар ишлатилмоқда.

5-6 яшарлигимда ўзим қизамиқ бўлганман: роппа-роса қирқ кунгача шираликдан буткул парҳез қилдиришганди, мошли овқат қилинадиган бўлса, мен учун мошнинг турпи олиниб алоҳида пишириларди.

Кўкйўталда эса бир-икки ой тўхтовсиз йўтал тутади. Боланинг юзи кўкариб кетиш даражасига боради. Уни ҳам бошдан кечирганман. Мактабга чиққанимда эса безгак бўлганман. Безгакда куннинг ёки туннинг маълум соатларида киши қалтираб совқотади ва кейин ғоятда иссиқлайди. Ҳар куни иккинчи ёки учинчи дарсда безгагим тута бошларди ва муаллим ҳам буни билиб-кўриб уйга жавоб бериб юборарди.

Уйлар иситилмаганлигидан кўпинча бешикдаги боланинг ўпкаси қаттиқ шамоллар ва у хала бўлиб-йўтололмай ихраб нобуд бўлиб кетарди. Буни зотилжам бўлди дейишарди. (Дори-дармон йўқ, ҳатто боланинг орқасига «бонка» солиш ҳам йўқ). Тошкентда 1944-45 йил қиши жуда қаттиқ келган эди (-20°-25°). Бизнинг Жарарикдаги бир хотиннинг бешикдаги боласи кечаси йиғлайвериб ахири тинган. Ҳафтафаҳм она уни «ухлади»га чиқариб, ўзи ҳам қотиб ухлаб қолган. Эрталаб туриб қараса сийдикка тўлган тувакка чақалоқнинг думбаси ботиб тош қотиб яхлаб қолибди.

Сувчечак тошиши натижасида юзи чўтир бўлиб қолганлар кам эмасди.

Ёз бўлди — деярли кўпчилик болалар кўз оғриғи бўларди. Ҳозиргилар буни тасаввур ҳам қилолмайди. Тўсатдан кўзга «қум тиқилади», киши кўзини очолмайди, сарғиш йиринг қоплайди. (Бу касаллик ҳам бошимдан ўтган). Кўққисдан юз берган бирор дард-ҳолга «кўз оғриғидек келди» деган гап шундан қолган.

Ёз бўлди — «ердан ковуш чиқди» деб тамомила ялангоёқ юриларди. Кўп болаларнинг баданига яра-чақа тошиб кетарди. Ўрта яшар кишиларгина калиш-махсидан ёзда этикка ўтишарди. Туфли? Ҳай-ҳай, у заифона пойабзал ҳисобланардия, эркак киши уни кийишдан ор-номус қиларди. Нари борса қўнжли ботинка кийиларди.

1935-36 йилларнинг ёзида бир куни Новзадаги боғимизга кетаётсак (у вақтларда от-улов, автобуслар бўлмасди, пиёда қатналарди) дадам нақ Самарқанд дарбозанинг ўзида баланд бўй қорача бир киши билан бироз гаплашиб қолдилар: қора этик, қора шим, этаги туширилган оқ кўйлак белидан ингичка камар боғланган. Бошида тагдўзи дўппи...

Сўнгра дадам ёнимга келиб:

— Танидингми? — дедилар.

— Йўқ.

— Абдулла Қодирий шу киши бўладилар...

Қодир бўлган кишиларгина сариқ этик кийишган. (Қимматга тушса керагов). Ўшанда бирор хотиннинг қизи вақтида узатилмай ўтириб қолган бўлса, «Кўн этикликка бермади, сариқ этикликдан чиқмади» дейиларди.

Ингичка камар — белбоғнинг ўрнини ўтаган. Ҳатто ўша 30-йилларда мадан-белбоғ (маданий белбоғ) учи попукли ипак тизимча белбоғ ҳам расм бўлганди. 20-30-йилларда бўлса зиёлилар, белбоғи шу газмолнинг ўзидан камар қилиб тикилган узун кўйлак кийишган.

Шундай. Кўйлакнинг этаги шим ичига олинмасди (уят-а). Ўзи эса этагидан бош тиқиб кийиларди. Олди тамоман очилиб тугмаланадиган кўйлаклар 60-70-йилларга келиб расм бўлди.

50-йилларда ҳам росмана кўйлакнинг ёқаси хилма-хил тутқич, қисқичлар билан бириктириладиган қўшёқали қилиб сотиларди. Ёқанинг бири кир бўлса, иккинчиси қўндириларди. Кир мошиналар чиққач, бунга эҳтиёж қолмади, шекилли. Кўйлакнинг енги узун бўлса (асосан шундай бичиларди) резинали оринжбоғ (Оринж — тирсак билан ўмиз ораси) воситасида калтароқ қилинарди. (Чунончи калта енг кўйлаклар 50-йилларга келганда расм бўлди). Ҳозирда шу боғ барҳам топди. Енг ёқасига қадаладиган запонка ҳам барҳам топиб ўрнини тугмачага бўшатиб бермоқда. (Чунки у йўқолиб туради, хат ёзганда билакка қадалади).

Шим қайирма почали бўларди — энди тўғри олинадиган бўлди. Яқин-яқинларгача шимда (ҳеч ким ишлатмаса ҳам), албатта бўксабоғ бўларди. Фақат буюртма шимларгагина қўйилмасди. Тунов куни разм солсам-у ҳамма шимларданам чиқиб кетибди. Палтоларнинг енг бўғмаси, орқа белбоғи, росмана белбоғининг умри тугаётганлигининг ҳозир шоҳиди бўлиб турибмиз.

Гарчи «молния замок» ўтган асрда ихтиро қилинган бўлса-да, шим кесигидаги тугмалар ўрнига уни қадаш шу асримизнинг 70-йилларига келгандагина расм бўла бошлади. Нақадар осон, тез ёпилади. Менга яқинда кесиги тугмали эски шим рўпара келиб қолганида сира чиқишолмадим.

Зотан кишининг ўрганиш бўлиб қолган одатидан воз кечиб янгисига ўтиши жуда-жуда қийин кечади. Янги нарсага киши табиатан хавфсираб қарайди.

Галстук тақиш ҳозир энг авжига чиққанов. Бундан сўнг унинг умри тугаб борадиган кўринади. Ғоятда инжиқ нарса. Аввало уни тўғри боғлай биладиган одамлар кам-дан-кам. Боз устига тугуни тезда кир бўлади. Ювдирганингиз билан барибир дўхти тикланмайди. Ҳар ҳолда томоқни бўғади у. Дунёдаги машҳур артистлардан икки-учтаси — француз киноартисти Ален Делон, испан қўшиқчиси Плавичо Доминго галстуксиз яшашга ўта бошлаганликларини кўряпмиз. Маълумки, модани шунақанги одамлар расм қилади.

Менинг бобом бўлсалар, қишин-ёзин кўкрак очиқ-ялангтўш ҳолда яхтакёқа кўйлак, чопон билан бу дунёдан ўтиб кетдилар.

60-йилларда ҳам эркаклар пайпоғи хос тасмалари билан тиззагача тортиб қўйиларди. Сўнгра у иликдан юқорига чиқмайдиган қилиб бичилгач, қирғоғига бўғувчи резина солинди ва энди ўша «подвязки» «подтяжки»ларга ҳам эҳтиёж қолмади.

1933 йилгача мол гўшти мамну эди. Буддавийлик таълимиданми ёки машҳур тиб китобларида «мол гўшти саратон касаллигини келтириб чиқаради» деган гапга амал қилибми, ҳар ҳолда, у ейилмасди. (Фарғона томонларда ҳамон шу аҳвол деб эшитаман). 32-йил бўлиши керак, бир сигиримиз ҳаром ўлиб қолмаслиги учун уни сўйишди. Териси қайиш қилиш учун шилиниб, ёғи шу терини пишириш учун қорнига тиқиб олингани ва гўшти ерга кўмиб юборилгани эсимда. Ёлғон бўлмасин, шу гўштдан бир мартагина жаркоп қилишган эди, холос.

33-йилги очарчиликдан кейингина мол гўшти расман истеъмол қилина бошлади.

Ҳозир қанчалик ғалати туюлмасин — 50-йилларгачаям лағмон-увра-қайла, мошкичири, шовла, ширгуруч, чучвара каби қуюқ овқатларнинг бари қўлда ейиларди. Қошиқ фақат мошхўрда, мастава каби суюқ овқатларгагина ишлатиларди. Уёғини сўрасангиз, қошиғимизнинг шакли-шамойили қуюқ овқат истеъмол қилишга сираям мос эмас. (Қуюқ овқатга тухум шаклидаги қошиқ қулай келади).

Шунингдек, эндиликда одатий бўлиб кетганлигидан кишининг хаёлига ҳам келмайдиган баъзи неъматларнинг бизда расм бўлганига унчалик кўп вақт бўлгани йўқ.

Масалан, помидорни олайлик. (Уни гармдорига тақлидан «памилдори» ҳам дейишади). 1923-24-йиллар бўлиши керак. Тошкентнинг марказидаги Зарқайнар маҳалласидан шаҳар четидаги Жарариқ маҳалласига тушган онам кўкламда қарасалар, ҳовли майдонининг бир жойида уруғи қуш тумшуғидан тушганми (валлоҳи аълам) бир-икки туп помидор униб чиқибди. У маҳалда бу ердагилар дунёда помидор деган неъмат борлигидан ҳали мутлақо бехабар эканлар. Ойим шуларни кўчириб бошқа бир сувли жойга ўтқазадилар ва парвариш қила бошлайдилар. Хуллас, унинг ҳосили етилиб пишгач, помидордан аччиқ-чучук қиладилар ва дастурхонга қўядилар. Бувим уни еб кўрсалар — кўнгил очадиган мазали бир таом. Шунда бувим ҳали нарироқда ивирсиб юрган бобомга юзланиб:

— Ҳай, бойдадаси, мана бундан еб кўринг — қийма мазаси келадия! — дейдилар.

Бобом бир тишлам нонни ботириб ейдилар, иккинчи тишламни ейдилар, ва:

— Бунинг нонни заволиякан-ку, — дейдилар.

Шунгача «аччиқ-чучук» деганимиз сув, гармдори, туз ва пиёздангина иборат бўлган, холос.

Шунга ўхшаш воқеа 70-йилларда ҳам содир бўлди. Бу вақтга келиб бозордан лимон харид қилиш мумкин бўлиб қолганди.

...Нонушта дастурхонида бир ликопда лимон парраклари ҳам турарди...

— Ойи, нега лимондан олмайсиз? — дедим.

— Ўлсин, жа нордон...

— Ундай бўлса, ҳозир сизга хушхўр қилиб бераман, — дедиму икки паррагини олиб пиёлага ташладим, беш-олти чой қошиқ шакар солдим, эзиб устидан чой қуйиб оймга тутдим. Бундайин чой оймга маъқул бўлди чоғи.

— Қалай? — сўрадим.

— Бунинг шакарри заволиякан-ку, — дедилар...

Мана шунақа гаплар, биродари азизлар.

**Шарафиддин КЎНЧИ**

*Дам олиш соатларингизда*

# БОШҚОТИРМА



БЎЙИГА: 1. Саид Аҳмад асари. 2. Ч. Айтматовнинг «Жамила» қиссаси қаҳрамонларидан бири. 3. Назмда қалам тебратувчи ижодкор. 4. Испания футбол клуби. 5. Ҳажвий киножурнал. 6. Булут. 9. «Абулфайзхон» драмаси қаҳрамонларидан бири. 11. Отнинг маълум ёшга етганда аталадиган номи. 13. Эскириб қолган сўз, Тошкентдаги кўча номи. 15. Ҳиндистоннинг қадимги адабий ёдгорлиги. 18. А. С. Пушкин ҳикояси. 20. С. Айний асари. 21. Ёзувчи Ш. Холмирзаев туғилган туман номи. 22. Бокс майдони. 23. Ҳажм. 24. Рақсга тушувчи эркак. 27. Эстрада гуруҳи.

ЭНИГА: 1. Ёшлар жамғармаси. 3. Ўзи занжирдаю, енгаман дейди. 5. Дурадгорлик асбоби. 7. Ёзувчи сўзининг форсчаси. 8. Ҳинд кинофильмларидан бири. 10. Кумушни кўрмасдан олдин Ўзбекойим томонидан қўйилган ном. 12. Санъат тури. 14. Шира сўзининг тескариси. 16. «Олтин давр» эгаси. 17. Х. Дўстмуҳаммад қиссаси. 18. Ҳеч бўлмагандан ... бўлганиям яхши. 19. Инкор. 21. Муқимий театрининг иқтидорли актёрларидан бирининг исми. 23. «Шаҳар» сўзининг бирлиги. 25. Ҳамсуҳбат, дўст. 26. Навбат. 28. Унинг расмини қочоқлар кўпроқ чизади. 29. И. Султон пиесаси. 30. А. Қаҳҳор асари. 31. В. Войнич романи.

**Тузувчи: Шер АЛИ**

Миллий Тикланиш
Муассис: Миллий тикланиш демократик партияси

Бош муҳаррир: Иброҳим ҒАФУРОВ

Газета 00136-рақам билан рўйхатдан ўтган.
Буюртма: Г — 0696.
Сотувда нархи эркин.
Ҳажми 2 босма табоқ.
*Саҳифаловчи: Тимур ТЎХТАЕВ*
Газета IBM компютерида терилди ва саҳифаланди.
Босишга топшириш вақти 19.40

Манзилимиз: Тошкент-83,
Матбуотчилар кўчаси — 32.
Телефон 133-50-18.
«Шарқ» нашриёт-матбаа консерни босмахонаси. Манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй
*Навбатчи — Шерали НИШОНОВ*